



O‘ZBEK TILI, ADABIYOTI
VA FOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

2
2021

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2021

Бош муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Раҳматулла БАРАКАЕВ

Маматкул ЖЎРАЕВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Наим КАРИМОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА

Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Бахтиёр НАЗАРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Ёрқинжон ОДИЛОВ

Эргаш ОЧИЛОВ

(масъул котиб)

Шомирза ТУРДИМОВ

Боқижон ТЎХЛИЕВ

Алмаз УЛВИЙ

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Бердак ЮСУФ

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ

Улуғбек ҲАМДАМОВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

Манзилимиз:
100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй
Телефон: (71) 233-71-44
E-mail: jurnal_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти
№ 2, 2021

Муҳаррир Э. Очилов
Компьютерда саҳифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома №0053

МЧЖ "GLOBAL POLIGRAF DIZAYN"
Босмахонасида чоп этилди.
Буюртма № 04
Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,
Нурмакон кўчаси, 1-уй.
Қоғоз бичими 70x108, 1/16
Офсет босма. "Times New Roman" гарнитураси.
Шартли-босма табоғи 8.25.
Тираж 535 нусха. Келишилган нархда.

воқеаларнинг реал ҳаётда содир бўлмаслигини билиб турса-да, иштаҳанинг топилишига чин кўнгилдан ишонади.

Шоирнинг "Эшиқлар исёни" шеърисида ижтимоий-маиший турмушда учраб турадиган ёлғончилик ва уятсизлик, фирибгарлик иллатлари шартлилик воситасида тасвирланади. Шеър эшиқларнинг одамлардаги турли иллатларга қарши исёни тасвири билан бошланади. Салбий иллатларга дучор бўлган, ёлғон сўзлаб, одамларни алдаган, фирибгарлик қилган одамларнинг барчасига эшиқлар тақа-тақ беркилиб, кўплаб ярамас одамлар кўчада қолиб кетади ва сирлари очилиб, эл-юрт олдида шарманда бўлади.

Шеър халқ оғзаки ижоди оҳангида содда, самимий, қофияларининг табиийлиги билан ажралиб туради. Шеърда, айниқса, хон саройидаги ноҳўя аҳвол аёвсиз сатирик кулги билан фош этилганини кўришимиз мумкин. Ушбу ҳолат шеърда куйидагича тасвирланади:

*Хон саройига қараб
Одамлар кулар қотиб.
Чунки саройнинг бирон
Амалдори соғ-омон
Ўтолмайин эшиқдан,
Кириб-чиқар тешиқдан...
Кулар кўрган, эшитинг...*

("Ғаройибкент хангомалари", 19).

Маълумки, ҳар қандай иллат болалиқдан куртак отади. Бир қарашда болалар учун ёзилгандек туюлган ушбу шеър аслида катта ёшли инсонлар учун ҳам аҳамиятли. Шоир ушбу шеърда ёлғончилик, фирибгарлик каби иллатларнинг келиб чиқишини эмас, балки қандай оқибатларга олиб келишини тасвирлаш билан катталарни ҳам огоҳликка чақиргандай бўлади. Ёмон ишлар кун келиб фош бўлиши ва бу ишларни қилган одамлар эл орасида уялиб, кулгига қолиши мумкинлиги тасвирланади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада таниқли болалар шоири Ҳамза Имонбердиевнинг юмористик шеърлари таҳлили мисолида болалар шеърлятида ҳажвнинг ўрни масаласида мулоҳаза юритилади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается роль сатиры в детской поэзии на примере анализа юмористических стихотворений известного детского поэта Хамзы Иманбердиева.

RESUME. The article discusses the role of comedy in children's poetry on the example of the analysis of humorous poems of the famous children's poet Hamza Imonberdiev.

Таянч сўз ва иборалар: болалар шеърляти, ҳажвий образ, бадийлик, руҳият, анъана, фантазия, шартлилик, реалистик тасвир, мажозийлик, муболага.

Ключевые слова и выражения: детская поэзия, юмористический образ, художественность, психологизм, традиция, фантазия, условность, реалистическое описание, аллегоричность, гипербола.

Key words and word expressions: children's poetry, comic image, art, psyche, tradition, fantasy, conditionality, realistic image, figurative, rhetoric.

Орзигул ҲАМРОЕВА

ТАШРИҒ САНЪАТИДА БАДИИЯТ, ҚОФИЯ ВА ВАЗН УЙҒУНЛИГИ

Байтлардаги мисраларнинг ўзаро ички қофияга асосланиши асосида юзага чиқадиган бадий санъатлардан бири *ташриғ* бўлиб, баъзи олимлар

уни *таириҳ*, *зулқофиятайн* ҳам дейдилар. Бу санъат Атоуллох Хусайнийнинг "Бадойиъу-с-санойиъ" асарида атрофлича ёритилган¹. Унинг ўзига хослиги шундаки, шоирлар шеърни икки ёки ундан ортиқ қофия асосида тузадилар, ҳар қофияда тўхталинса, янги байт ҳосил бўлади, шеърнинг моҳияти бузилмайди. Энг асосийси, икки ёки ундан ортиқ қофия келтирилган ўринлар аруз вазни қоидалари асосида рукнлар тенглигига асосланиши керак. Масалан:

*Чу қуни багалат гузаре сўйи мо,
Бинишин қадаре, рухи худ бинамо.*

*Ҳама кас дилу жон бидиҳад, ки хўрад,
Зи лабат шакаре, бирасон ҳамаро.*

*Санамо, зи суккони дарат чу мане,
Набувад дигаре ба ту аз вафо.
VV- / VV- / VV- / VV-*

Ушбу шеър мутадорики мусаммани махбун вазнида ёзилган, рукнлар саккиз маротаба *фаилун/фаилун/фаилун/фаилун* шаклида келган. Демакки, байт мусамман шаклида ёзилган. Асосий қофия: *сўйи мо – бинамо – ҳамаро – вафо*. Айни қофиялар байт тугаллигини таъминлаган. Ўзаро қофиядош сўзлар унли билан тугаган, равий сифатида *о* унлиси (равий) оҳангдошликни юзага келтирган. Шу жиҳатдан бундай қофия тизими қофиянинг ўзак таркибига кўра мужаррад қофия саналади. Айни сўзларда қофиянинг қўшимча таркибига кўра муқайяд қофия тури қўлланган. Муқайяд қофия турида равийдан сўнг ҳуруфи қофиянинг бирортаси учрамайди, яъни қофия равий билан тугайди.

Агар диққат билан кузатилса, байтлар замирида ички қофия мавжудлигини илғаш қийин эмас. *Гузаре, қадаре, шакаре, дигаре* сўзлари мисралар ўртасидаги оҳангдошликни таъминлаган. Юқоридаги сўзларни ички қофия сифатида эмас, асосий қофия сифатида белгиласак, мисралар мусаддас шаклга эга бўлади, яъни мисра сўнгидаги бир рукн (*фаилун*) кейинги мисранинг бошига ўтказилади:

*Чу қуни багалат гузаре,
Сўйи мо, бинишин қадаре.*

*Ҳама кас дилу жон бидиҳад,
Ки, хўрад зи лабат шакаре.*

*Санамо зи суккони дарат,
Чу мане набувад дигаре.
VV- / VV- / VV-*

Мусаддас шаклдаги байтларни бирлаштириб турувчи асосий қофиялар сифатида эса *гузаре – қадаре – шакаре – дигаре* сўзлари келтирилган. Бу каби санъатнинг ўзига хослиги шундаки, тушиб қолган бўлақлар йиғилса, ўша вазндаги қўшимча байт ҳосил бўлади.

¹ Атоуллох Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, .80-бет.

*Рухи худ бикуюшо – бирасон
Ҳамаро ба навоз-и вафо.
VV – / VV – / VV –*

Мусаддас шаклида ушбу байтда қўлланган қофиянинг тури мусамман шаклидаги байт қофия тизими билан фарқ қилади. *Гузаре, қадаре, шакаре, дигаре* қофиядош сўзларида *p* ундоши рафий вазифасини бажарган. Равийдан олдин қисқа унли тавжих келгани боис бундай қофия тури қофиянинг ўзак таркибига кўра мужаррад турига мансуб. Равийдан сўнг васл (равийдан кейин келувчи қофия ҳарфи) келгани боис бундай қофия тури қофиянинг кўшимча таркибига кўра мутлақ қофия саналади.

Атоуллоҳ Ҳусайний бундай санъат турини ихтиро сифатида баҳолайди. Агар эътибор берилса, ҳосил бўлган байт мисралари ўзаро қофияланмаган. "Бадойиъу-с-санойиъ" муаллифи "агар ҳосил бўлган байт қофияда ҳам мувофиқ бўлса, кўп гўзал ва латиф бўл"ишини алоҳида таъкидлайди. Олим ташриънинг 3 шакл (мусамман, мусаддас, мураббаъ)га солиб ўқиладиган турига ҳам мисол келтиради². Бу ташриъ санъатининг иккинчи тури сифатида баҳоланади.

*Ба давр-и лола-йи хумро биё, жоно, сў-йи саҳро,
Бикаш хуш соғар-и саҳбо, барафрўзо рух-и зебо.*

*Шудем охир зи ҳижронат дил афсурда, биё инжо,
Узор-и оташин бинмо, фикан оташ ба жон-и мо.*

*Макун чандин ту истигно, мапўшон рух зи мо, жоно,
Ниқоб зи рух фикан боло, масўз аз ғам дил-и моро.
V – – – / V – – – / V – – – / V – – –*

Ушбу зебқофиягайн (ҳар бир байт қофияланган) ғазал ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган. Демакки, *мафоийлун* рукни байтда саккиз маротаба қайтарилган. Асосий қофиялари *саҳро, зебо, инжо, мо, жоно, моро* сўзлари асосида шаклланган бўлса, биринчи байтда ички қофия сифатида *хумро, жоно, саҳбо, барафрўзо*; иккинчи байтда *инжо, бинмо, жон-и мо*; учинчи байтда *истигно, жоно, боло, моро* сўзлари келади. Ички қофияларда тўхталиш орқали иккинчи – мусаддас шаклидаги байтни юзага келтириш мумкин:

*Ба давр-и лола-йи хумро биё, жоно,
Сў-йи саҳро, бикаш хуш соғар-и саҳбо.*

*Шудем охир зи ҳижронат дил афсурда,
Биё инжо, узор-и оташин бинмо!*

*Макун чандин ту истигно, мапўшон рух
Зи мо, жоно, ниқоб зи рух фикан боло!
V – – – / V – – – / V – – –*

² Ўша асар, 80–83-бетлар.

Ҳар байтнинг охирги 2 рукни ўзаро бирлашиб, мусаддас шаклидаги янги бир байтни юзага келтиради. Юқоридаги тушиб қолган рукнлар асосида қуйидаги байт юзага келган:

Барафрўзо руҳ-и зебо: фикан оташ
Ба жон-и мо, масўз аз ғам дил-и моро.
V - - - / V - - - / V - - -

Демак, иккинчи қофияда тўхталиш натижасида ушбу ғазал ҳазажи мусаддаси солим вазнидаги ғазалга айланади. Юқоридаги ғазалнинг биринчи қофияси асосий қофия сифатида олинса, байт мурабба шаклидаги шеър тизимига айланади.

Ба давр-и лола-йи хумро
Биё, жоно, сў-йи саҳро,

Шудем охир зи ҳижронат
Дил афсурда, биё инжо.

Макун чандин ту истигно,
Маўшон рух зи мо, жоно.
V - - - / V - - -

Атоуллоҳ Ҳусайний ташриъ санъатига ҳамоҳанг ўзига хос яна бир санъатни таклиф қилади. Унга кўра юқоридаги мусамман шаклидаги байтларнинг ҳеч бир рукнини туширмаган ҳолда иккинчи ички қофиядан сўнг тўхталиб, биринчи мисранинг охирги рукни иккинчи мисра бошига, иккинчи мисранинг охирги рукни учинчи мисранинг бошига кўчириши ва шу тартибда рукнларни тақсимлаш орқали мусаддас шакли, мазмунан янги байтлар юзага келишини таъкидлайди.

Ба давр-и лола-йи хумро биё, жоно,
Сў-йи саҳро, бикаш хуш соғар-и саҳбо.

Барафрўзо руҳ-и зебо, шудем охир
Зи ҳижронат дил афсурда, биё инжо.

Узор-и оташин бинмо, фикан оташ
Ба жони мо, макун чандин ту истигно!

Маўшон рух зи мо, жоно, ниқоб аз рух,
Фикан боло, масўз аз ғам дил-и моро.
V - - - / V - - - / V - - -

"Бадойиъу-с-санойиъ" муаллифи бу санъат турини **тафлиқу талфиқ** деб номлашни таклиф қилади. Чунки "тафлиқ" сўзининг маъноси "ёрмоқ"дир, "талфиқ" эса "йиғмоқ"дир. Кўриниб турибдики, бу санъат турида жувларни бир-биридан ажратиб, бошқа бирига улангани асосида янги бир байт ҳосил қилинади. Атоуллоҳ Ҳусайний бу санъат турига Ажам шуароси эътибор қилмагани, ташриъ санъатига асосланган бирор маснуй шеър намуна сифатида келтирилмаганини таъкидлайди. Баъзи луғатларда ташриъ сўзи "суғормоқ" маъносида келади. Суғормоқ сўзи ҳам ташриъ санъати қонуниятига айнан мос тушади. Бу санъат қайта-қайта қофияга

асослангани учун ҳам олимларимиз "қайта-қайта суғормок"ни шу хусусиятга ўхшатишган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, илми бадеъ қофия ва аруз илми билан узвий боғлиқ, лафз гўзаллигини таъминлаш учун оҳангдошлик жуда муҳим. Шунинг учун ҳам мумтоз қофия назарияси "илми сегона"нинг барчасини чуқур билишни тақозо қилади.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада ташриъ санъатининг ўзига хос хусусияти "илми сегона"нинг уч илми асосида тадқиқ этилади. Ташриъ санъати бадиият, қофия ва аруз вази уйғунлиги асосида юзага чиқадиган бадиий санъатлардан бири бўлиб, мақолада бу санъат тури байтлар мисолида тадқиқ этилади. Тадқиққа Атоуллох Хусайнийнинг "Бадойиъ ус-санойиъ" асари асос қилиб олинган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье исследуются особенности искусства интерпретации на основе трех наук "наука сегона". Искусство письма – одно из художественных искусств, которое возникает на основе сочетания искусства, рифмы и красноречия, и в статье данный вид искусства рассматривается на примере бейтов. Исследование основано на книге Атуллы Хусейни "Бадойи ус-санойи".

RESUME. In this article, the peculiarity of the art of interpretation is studied on the basis of the three sciences of "science segona". The art of writing is one of the arts that emerges on the basis of a combination of art, rhyme, and eloquence, and the article examines this type of art in the example of bytes. The study is based on Atoullah Husseini's Badoyi us-sanoyi.

Таянч сўз ва иборалар: поэтика, рисола, илми сегона (илмлар учлиги), қофия, хуруфи қофия (қофия ҳарфлари), қофия турлари.

Ключевые слова и выражения: поэтика, брошюра, научная сегрегация (троица), рифма, рифма хуруфи (буквы рифмы), разновидности рифмы.

Key words and word expressions: types of poetry, brochures, science segregation (trinity), rhyme, rhyming rhyme (rhyme letters), rhymes.

Айимхон ЭШНИЯЗОВА

ҚИССАДА РАМЗИЙ-МАЖОЗИЙ ТАСВИР

Бадиий изланишлар турфа хил услуб ва усулларнинг юзага келишига сабаб бўлиб, замонавий ўзбек насри тараққиёти тадрижида қизик эврилишлар юз бермоқда. Янги услубий тамойиллар ёзувчининг эстетик идеали, дунёқараши ва асар яратишдаги ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Ёзувчи услубининг ўзгариб турувчи динамик жараён бўлишини Х.Дўстмуҳаммад алоҳида эътироф этади: "...услуб ўзгармаса, дунёқараш, ҳаёт мураккабликларини бадиий идрок ва ифода этиш йўсинлари ўзгармаса, шу йўлда турфа тажрибаларга қўл урмаса, бундай ёзувчи нафақат миллий адабиётда, лоақал ўз ижодида ҳам бирор янгилик яратиши амримаҳол"¹. Х.Дўстмуҳаммад ёзувчи тафаккурида, тасвир услубида ўзгариш бўлишини, тажрибаларга асосланган бадиий ижодни ёқлайди. Ёзувчи ўз бадиий оламини шундай курадики, воқелик тасвирида мавҳумлик "реаллик"ка айланиши, инсоннинг ўзини ўзи кузатиши асосида ШАҲСлигини англаши, инсоннинг ҳаёлот кенгликларидаги кечинмалари, ҳис-туйғуларни ноодатий усулларда англаши, саволларга жавоб топиш асносида виждон покланишини акс эттиради. Х.Дўстмуҳаммад бадиий сўзнинг қудратидан фойдаланган ҳолда сўзни рамзга айлантириб, воқеликни рамзлар, тимсоллар орқали тасвирлашга интилади. Ижодкор дунёқарашида диний эътиқод, илоҳий мазмун-моҳиятга эга тушунчалар айрича аҳамият касб этиши ижодида етакчи тамойилга айланди. Натижада Х.Дўстмуҳаммад ижодига хос индивидуал хусусиятлар икки хил

¹ Д ў с т м у ҳ а м м а д Х. Беозор қушнинг қарғиши. – Тошкент: "Шарқ", 2006, 4-бет.

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

А.Собиров. Миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтишда давлат тилининг ўрни.....	3
Ш.Кўчимов. Маъмурий суд ҳужжатлари тилининг юрислингвистик тадқиқи.....	8
А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов. Халқаро терминэлементлар ва термин ижодкорлиги.....	14

Фольклоршунослик

М.Жўраев. Ўзбек фольклорида астраль мифлар типологияси.....	21
А.Эргашев. Дўмбира куйлари таснифига доир.....	29

Илмий ахборот

Х.Ҳамидов. Миллийликни қайта яратишда таржимон маҳорати.....	33
Ш.Имомназарова. Мавсумий маросим фольклорини ўрганишдаги муҳим манба.....	37
Ў.Рўзиева. Луқмон Бўрихон асарларида сайёр образлар.....	44
Р.Шарипов, Н.Ходжаева. "Ҳинд сайёҳи баёноти" ҳақида айрим мулоҳазалар.....	49
Г.Жўраева. Болалар шеърлятида ҳажвнинг ўрни.....	55
О.Ҳамроева. Ташриъ санъатида бадиият, кофия ва вазн уйғунлиги.....	60
А.Эшниязова. Қиссада рамзий-мажозий тасвир.....	64
Б.Жовлиев. Назар Эшонқул ҳикояларида мифологик образлар.....	68
Г.Раҳимова. Поэтик образ яратиш: анъана ва маҳорат.....	70
О.Абдурахмонова. Навоийнинг хоразмлик издоши.....	73
Б.Бўронова. "Юлдузли тунлар"даги шеърлий парчалар таржимаси.....	77
Ф.Бафоев. Ўзбек ва немис халқ мақолларида ҳайвонлар образи.....	81
А.Сабриев. "Хусну дил" достонининг матний тадқиқи.....	85
М.Ҳафизова. Эркин Воҳидов ижоди шаклланишида "Ғайратий мактаби"нинг ўрни.....	88
М.Оманова. Саъдулла Сиёевнинг "Аҳмад Яссавий" романи ҳақида.....	91
Д.Матқурбонова. Чўлпоннинг "Гавҳарой" ҳикоясида аёл тақдири тасвири.....	94
М.Мансурова. Ижодкор образининг ўрганилишига доир.....	98
О.Исманова. Рамзий тасвир маҳорати.....	101
Д.Собирова. Ўзбек болалар шеърлятида ономапопеядан фойдаланиш.....	103
Ж.Сиддиқов. Урбаноллингвистика – тилшуносликнинг янги йўналиши сифатида.....	106
А.Ҳасанов. Иш куруллари ва уй анжомлари билан боғлиқ диалектизмларнинг лингвистик аҳамияти.....	110
З.Муқимова. <i>Белида белбоғи бор</i> иборасининг лингвомаданий хусусиятлари.....	114
Д.Ўраева, Н.Ҳикматова. "Бозор" сўзи иштирокида шаклланган ясама сўз, бирикма ва иборалар.....	119
А.Расулова. Тил сатҳида майдонлараро боғланиш.....	122

Фанимиз заҳматкашлари

Ф.Сапаева. Уч халқ адабиёти хизматидаги олим.....	127
Ҳ.Ҳомидий. Ёшларнинг маънавий пешвоси.....	130